



Алихонтўра Соғуний XX аср туркий халклар зиёлилари орасида ўз ўрнига эга. У харбий ва сиёсатчи сифатида Шаркий Туркистон давлати ташкил этилишида асосий ўрин тутган; тарихчи сифатида Амир Темур шахси хақидаги советлар риторикасини очик инкор килган; “Тарихи Мухаммадий” асари билан эса узок йиллар диний такиклар остида яшаган миллатни пайгамбаримизнинг хаёт йўли билан таништирган.

Болалик даври

Алихонтўра Соғуний 1885 йилда Туркистон ўлкасининг Тўкмок шахрида дехкончилик билан шугулланувчи ўзбек оиласида тугилган. Бу шахар хозирги Киргизистон худудида жойлашган. Алихонтўра ўзининг адабий тахаллусини она шахрининг кадимий номи Боласогун билан боглаган. Отаси Шокирхонтўра даврининг ўкимишли кишиларидан бўлган. У ўглининг илм олишига алохида эътибор каратади. Алихонтўра аввалига Бухоро шахридаги “Мир Араб” мадрасасида, кейинчалик эса Мадинадаги дорулфунунлардан бирида тахсил олади. Табиатан заковатли, зийрак, янгиликка ўч бўлган ёш Алихонтўра Туркистонга кайтиб келганидан кейин юртдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол тарзда аралаша бошлайди.

Биринчи жахон уруши давом этаётган бир паллада Туркистон халки фронт ортидаги хизматлар учун мардикорликка олина бошлайди. Мустабид боскинчиларнинг олиб бораётган сиёсатига карши чиккани учун бўлажак сиёсатчи рус подшохининг махфий полицияси назоратига тушиб колади.

1916 йили халк кўзголони шафкатсизларча бостирилгач, киргинбарот ва зўрлик авж олиб, боскинчилар эркин фикрли зиёли кишиларни вахшийларча кириб, камай бошлайди. Шундан кейин Алихонтўра мамлакатда колиш хавфлилигини сезиб, Хитой назоратидаги

Кашкар шахрига кетишга мажбур бўлади. Кейинрок Шаркий Туркистоннинг бошка бир йирик шахри Гулжага боради.

Шаркий Туркистон жумхуриятининг тузилиши

Шаркий Туркистон худудида тарихан уйгурлар ва кам сонли бошка миллатлар: козоклар, киргизлар, тожиклар ва ўзбеклар истикомат килиб келишган. XVI-XVII асрларда бу худудда Уйгур хонлиги, яъни Яркент давлати бўлган. 1759 йилда ўша пайтда Хитойда хукмронлик килаётган Кинг сулоласи Шаркий Туркистонни босиб олиб, худудни мустамлакага айлантиради. Ўзок давом этган каршилиқ ҳаракатлари натижасида 1864 йили Манжур-Хитой кўшинлари кувиб чиқарилган ва уйгурлар “Еттишахар” номи билан янги мустақил давлатини тиклаган. Лекин бу мустақиллик ўзок давом этмайди. 1876 йилда Хитой кўшинлари яна бостириб киришди. 8 йиллик қонли урушдан кейин Шаркий Туркистон худуди Хитой таркибига қайта кўшиб олинади ва бу ерларга “янги чегара” маъносини англатувчи Синсян ёки Шинжон номи берилади. “Шаркий Туркистон” номи билан ҳам машҳур бўлган Уйгур автоном вилояти.

Шаркий Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари XX асрда ҳам давом этган. Қайноқ сиёсий жараёнлар кечаётган бир пайтда бу худудга келиб қолган Алихонтўра уйгур халқининг миллий-озодлик ҳаракатига қўшилади. Халқ орасида юртни озод қилиш гоёларини фаол тарғиб қилгани сабабли, 1937 йилда Хитой маъмурлари томонидан қибзага олиниб, умрбод қамқоқ жазосига ҳукм этилди. Соғуний қамқоқда 4 йил бўлади. Бу даврда ҳам у озодлик ҳаракатини гоёвий жихатдан фаол тарзда қўллаб-қувватлашни давом эттиради. 1941 йилда адлиявий тафтиш натижасида Алихонтўра озод қилинади.

Шундан кейин Алихонтўра бошлиқ шаркий туркистонликлар юртни озод қилиш учун умумхалқ қурашини бошлаб юборишади. 1943 йилда “Шаркий Туркистон Озодлик Ташкилоти” тузилади. 1944 йил 7–10 ноябр кунлари Гулжада бўлиб ўтган қуролли қўзғолон ғалаба қозонади. Чан Қайши ва гоминданчилар армияси кетма-кет жангларда мағлуб этилади ва улар чекина бошлайди.

1944 йил 12 ноябрда Шаркий Туркистон жумхурияти эълон қилиниб, Алихонтўра Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланган. Миллий кўшинни тузиш, уни қуроллантириш ва таркибини мустаҳкамлаш ишларининг ташаббусқори сифатида Алихонтўра кўшин бош қўмондони этиб тайинланган ва унга “маршал” олий ҳарбий унвони берилган.

Соғунийнинг Тошкентга ўғирлаб келиниши

Шаркий Туркистондаги исённи совет ҳукумати ҳам қўллаб-қувватлаган эди. Лекин жумхурият ташкил этилганидан кейин қўп ўтмай Алихонтўра ва Сталин ўртасида келишмовчилик юзага келади. Алихонтўра Сталиннинг Урумчига юришни тўхтатиш ҳақидаги буйруғига қарши чиқади, лекин армиядаги аксарият етакчиларнинг фикри билан юришни тўхтатиб, советлар воситачилигида Хитой билан музокараларга рози бўлишдан бошка иложи қолмайди.

Шаркий Туркистон жумҳурияти тузилганидан 19 ой ўтиб, 1946 йил 10 июнида жумҳурият ва Хитой расмийлари ўртасида Урумчида тинчлик битими имзоланади. Битим тузилганидан кейин санокли кунлар ичида КГБ Алихонтўрани ўғирлаб кетган. Сиёсатчи яширин ва мажбурий тарзда Тошкентга олиб келиниб, уй қамоғига ташланади. Бу вақтда у 61 ёшда эди.

Чапдан ўнган; Алихонтўра Соғуний, иккинчи ўғли Асилхон, бешинчи ўғли Кутлугхон, жияни Юсуфхон (ўнган) ва катта ўғли Гаффорхон, 1960 йиллар.

Катта сиёсий ҳаётдан узиб қўйилган Алихонтўра умрининг колган қисмида ижод билан шугулланади. Вафотида қадар, 30 йилга яқин вақт давомида бир канча бебаҳо асарлар ёзади, форс ва араб тилларидаги бир қатор нодир асарларни ўзбек тилига таржима қилади.

Илмий мероси

Алихонтўра Соғуний тарихни, айниқса, ислом тарихи ва Туркистон тарихини ўрганган ўткир зехнли олим эди. У 1954–1961 йиллар оралиғида ўзининг кўпйиллик ижодий меҳнати маҳсули бўлган “Тарихи Муҳаммадий” асарини ёзади. Аммо совет тузуми бу асарни босиб чиқаришга руҳсат бермади. Бу китоб факатгина мустақилликдан кейин, 1991 йилда Алихонтўранинг авлодлари томонидан нашр этилган. Китоб пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам тарихлари билан таништиришга бағишланган. Айни мустақилликнинг илк йилларида бу асарнинг пайдо бўлиши узок йиллар диний тақиқлар остида яшаган миллатнинг маънавий юксалишида жуда катта аҳамият касб этади.

Шундан кейин олимнинг етти йил мобайнида ёзилган “Туркистон қайғуси” тарихий-публицистик асари дунёга келади. Асар 1917–1950 йиллар мобайнида Ғарбий ва Шаркий Туркистонда содир бўлган воқеаларнинг кўпчиликлари маълум бўлмаган томонларини очиқ беради. Хусусан, Алихонтўра Туркистон халқи қандай қилиб мустақил тузумга қарам бўлиб қолганини давлат арбоби сифатида сиёсий ва ижтимоий жихатдан таҳлил қилади. Шунингдек, асарда Марказий Осиё халқларининг XIX аср охиригача бўлган даврдаги давлатчилик тарихи, Амир Темур ва туркий халқларнинг қилиб чиқишига доир қимматли маълумотлар ҳам келтирилади. Китобнинг иккинчи қисми эса Шаркий Туркистон Жумҳуриятининг юзага қилиши ва пароканда бўлиш сабабларига бағишланган.

Бундан ташқари, Алихонтўра шеърини асарларини тўплаб, “Девоний Соғуний” девонини тўзди, таъбатга бағишланган “Шифаъул-илал” асарини ёзади.

Алихонтўранинг яна бир энг катта хизмати – у советлар томонидан Амир Темур шахсиятига қўйилган қатор айбловлар асоссиз эканини далиллар билан исботлаб берган. Шўро ҳукумати эса саркардани қонхўр ва жохил қилиб қўрсатиб қелган. 1967 йилда Соғуний “Темур тузуклари” асарини форсийдан таржима қилиб, “Ғулистон” журналида чоп қила бошлайди. Аммо адолат юзага чиқаётганидан қўрққан ўша даврнинг айрим раҳбарлари асарни охиригача нашр қилишга қаршилик қўрсатади.

Ахмад Донишнинг “Нодир воқеалар”, Херман Вамберининг “Мовароуннахр ёки Бухоро тарихи”, Дарвиш Али Чангийнинг “Мусика рисоласи” каби асарлар ҳам Алихонтўра Соғуний томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Соғуний миллий тилни миллий туйғунинг асосий бўғини деб билади; она тилининг кадри қанчалик баланд бўлса, миллатнинг мавқеи шунчалик баланд бўлади, миллий туйғу сақланиб қолади, деб ҳисоблаган.

Ҳам диний, ҳам дунёвий жihatдан катта илмга эга ижодкор ва давлат арбоби Алихонтўра Соғуний 1976 йилда, 91 ёшида вафот этади.

Ўзбекистон мустиқилликка эришгач, Соғуний томонидан ёзилган ва таржима қилинган асарларни нашр қилишга қўйилган тақим олиб ташланди. Хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманидаги ўрта мактаб, Чилонзор туманидаги маҳалла, Шайхонтохур туманидаги кўчага унинг номи берилди.

[Манба](#)